

Testlar Yer sayyorasi uchun ekvatorial radiusi necha km.ga teng A) 6357 B) 6371 C) 6378 D) 6400 Yer atmosferasi necha qatlamlardan iborat A) 3 B) 5 C) 4 D) 8	Muammoli vaziyat Yer atmosferasining Ozonosfera qatlami nega yemirilyapti? Yerda nega Toza suv muammosi paydo bo'lyapti?
Tayanch iboralar Quyosh, uchinchi sayyora, orbita, yo'l, ellips, atmosfera, gidrosfera, litosfera, ozonosfera, mantiya, yadro, o'g'irlik kuchi, bosim, harorat, yuqori harorat, past harorat, erkin tushish tezlanishi	Amaliy ko'nikma Yer uchun 1-kosmik tezlik formulasini keltirib chiqaring; Yer uchun 2-kosmik tezlik formulasini keltirib chiqaring; O'g'irlik kuchi formulasini yozing.

Professor-o'qituvchi tomonidan fanning xususiyati va mashg'ulotning shakliga ko'ra innovation ta'lim texnologiyasini to'g'ri tanlashi, uni

Adabiyotlar

1. Tolipov O., Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. - Toshkent: «Fan», 2006.
2. Ishmukamedov R., Yuldashev M. Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar. O'quv qo'llanma. - Toshkent: «Nihol», 2013.
3. Kamolov I.R. «Oliy ta'lim muassasasi o'quv jarayonlariga innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etish» mavzusidagi bitiruv ishi. - Toshkent: 2015.

REZYUME

Respublikamizning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi va ravnaqi bugungi kunda Oliy ta'lim tizimida tashkil etiladigan ta'lim-tarbiya jarayoni samaradorligi mazkur jarayonga innovatsion texnologiyalarni joriy etish darajasiga bog'liq. Oliy ta'lim muassasalari o'quv jarayoniga innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etish professor-o'qituvchidan metodik tayyorgarlik, innovatsion pedagogik faoliyatga moslik zaruratini keltirib chiqaradi. Bugungi kunda Oliy ta'lim muassasalari o'quv jarayoniga innovatsion ta'lim texnologiyalarni joriy etish zamon talabidir. Ilmiy maqolaning asosiy maqsadi sifatida "Oliy ta'lim muassasasi o'quv jarayonlariga innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etishning samarali yo'llarini yoritish va tegishli metodik tavsiyalarni ishlab chiqish" ko'zda tutilgan va maqsadga erishilgan.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается вопросам применения инновационных образовательных технологий в учебном процессе вузов. Социальное и экономическое развитие нашей Республики во многом зависит от эффективности применения инновационных образовательных технологий в учебном процессе в высших учебных заведениях. Применение инновационных образовательных технологий профессорско-преподавательским составом требует методической подготовки и является необходимостью сегодняшнего дня.

SUMMARY

The article is devoted to the issues of using innovational educational technologies in the studying process at higher educational institutions. Social and economic development of our Republic depends on efficiency of using innovation educational technologies in teaching process in high educational institutions. Using innovation educational technology by professors and teachers requires methodical preparation and is one of the actual issues today.

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

З.Курбамуратова - катта ўқитувчи

ҚРХТХҚТва УМОИ

Таянч сўзлар: тарбиявий таъсир, анатомик - физиологик хусусиятлари, психик камолотнинг даражаси, жисмоний камолот даражаси, суҳбатлар ўтказиш, ёш ва психологик хусусиятлари, ўқитувчи шахсига ишонч ҳисси, назарий билимлари, амалий билимлари, ихтиёрсиз диққат, ихтиёрий диққат, сўз мантиқ хотираси, идрок қилиш.

Ключевые слова: влияние воспитания, анатомо-физиологические особенности, уровень психологического развития, физическое развитие, беседа, возрастные и психологические особенности, доверие к личности учителя, теоретические знания, практические знания, непроизвольное внимание, произвольное внимание, словесно-логическая память, восприятие.

Key words: influence of education, anatomical and physiological characteristics, the level of psychological development, physical development, conversation, age and psychological characteristics, confidence and personality of the teacher, the theoretical knowledge, practical knowledge, involuntary attention, voluntary attention, verbal and logical memory, perception.

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бошланғич синф ўқувчиларига уларнинг латифатлари ва билиш имкониятларини ривожлантириш асосида таълим беришни назарда tutadi. Жумладан, «таълимнинг бу тури бошланғич таълимни (1-4 синфлар) камраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув- илмий ва умум маданий билимларини, миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилятларини, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлаш- ни шакллантиради» - деб таъкидланган [1:46-47].

Бу ўз навбатида мактабда таълим - тарбия ишларини ташкил қилишда кичик мактаб ёшидаги болаларнинг анатомик - физиологик хусусиятлари, жисмоний камолот даражасини ҳисобга олиш муваффақият гаровидир.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мазмунли суҳбатлар ўтказиш, уларни ғаройиботлар оламига олиб кириши, фоол-лик сари етаклаши алоҳида аҳамият касб этади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий сифатларини ривожлантиришда қўзланган мақсадга эришиш учун уларнинг ёши ва психологик хусусиятларини ҳисобга олиш шарт.

Ўқининг дастлабки куниданоқ кичик мактаб ёшидаги боланинг ўсишини ҳаракатга келтирадиган турли зиддият, қарама-қаршиликлар, ички илтифотлар вужудга келади. Агар шулар замирида боладаги психик камолотнинг даражаси ва ижобий хислатлар билан талаблар ўртасидаги қарама - қаршиликлар ётади. Талабларнинг тобора ортиши боланинг психик жиҳатдан тўхтовсиз ўсишини такозо этади ва шу берк занжирнинг узлуксиз ҳаракати натижасида инсоннинг камолоти амалга ошади.

қо'llashi, o'tilayotgan har bir oquv mashg'uloti nafaqat ilg'or pedagogik va axborot texnologiyalariga asoslangan bo'lishi, balki individual texnologiyalar bilan ham boyitilishi zarur. Ana shunda, innovatsion ta'lim texnologiyasi va ularning ta'limga qo'llanishiga oid bilimlar, tajribalar talabalarni bilimli va yetuk malakaga ega bo'lishlarini ta'minlaydi. Pedagogik ta'lim innovatsiyalarini pedagogik faoliyatga yangiliklarni olib kirishiga imkon berish orqali ta'lim tizimi yoki jarayoni muntazam rivojlanib boradi. Professor-o'qituvchining innovatsion faoliyati pedagogik jamoani harakatga keltiradi, bunyodkorlikka rag'batlantiruvchi kuch sifatida namoyon bo'ladi hamda ta'lim jarayonining sifatini kafolatlaydi.

Хиссиёт-шахснинг воқеликдаги нарсаси ва ҳодисалар, кишилар ҳамда ўз-ўзига бўлган муносабатларидан келиб чиқадиган кечинмаларидир. Ўқувчиларнинг хис-туйғулари, кечинмалари, эҳтиёжлари уларнинг интеллектуал фаолиятлари орқали намоён бўлади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муҳим хусусиятларидан бири улардаги ўқитувчи шахсига ишонч ҳисси ва юксак эҳтиромидир. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг бола-га тарбиявий таъсир кўрсатиш имконияти жуда каттадир. Бола ўқитувчини ақлу идрок соҳиби, зийрак, сезир, меҳрибон, ҳатто, донишманд инсон деб билади. Ўқитувчи сиймосида ўзининг эзгу нияти, орзу-истаги, ажойиб хис-туйғуларини рўёбга чиқарувчи мўътабар шахсни кўради. Ўқитувчининг обрўси олдида ота-оналар, оиланинг бошқа аъзолари, қариндош-уруғлар, таниш - билишларининг нуфузи кескин пасаяди. Шу сабабли болалар ўқитувчининг ҳар бир сўзини қонун сифатида қабул қиладилар [2:167].

Мақсадга мувофиқ ўқиш фоалияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ақл-идроки, сезирлиги, кузатувчанлиги, эсда қолиш, эсга тушириш имкониятларини ривожлантириш учун муҳим шарт - шароитлар яратади, болаларда ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакаларини шакллантиради.

Таълим жараёнида кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг идрок мақсадга мувофиқ перспектив фаолиятга айланиб ва тобора мураккаблашиб боради, натижада ўқувчида кузатиш, назорат қилиш, фарқлаш имконияти ошади. Шу сабабли биринчи синфда сўз бирор нарсани аташ билан чегараланган бўлса, кейинчалик у ўрганилаётган объектнинг умумий маъносини аңлата бошлайди.

Таълим жараёнида ва катталарнинг ёрдами билан турмуш тажрибасининг ортиши туфайли болаларда фазо, вақт

ва ҳаракатни идрок қилиш қўлаи кенгайди, улар вужудга келган саволларга жавоб топа борадилар. Бундан жараёнда, уларнинг назарий билимлари амалий фаолиятда синаб кўриш орқали ҳам бойиб боради.

Тажрибадан маълумки болаларда ихтиёрсиз диққат дурстгина ривожланган бўлади. Чунки таълим жараёнида ихтиёрсиз диққатнинг ўсиши учун муҳим шарт-шароитлар мавжуддир. Бошланғич синф ўқув материалларининг яққолиги, ёрқинлиги, жозибадорлиги ўқувчида беихтиёр ҳис-туйғулар уйғотади, иродавий зўриқишсиз, осонгина фан асосларини эгаллаш имконини яратади. Ўқув материалларининг турли - туманлиги ихтиёрсиз диққатнинг тўпланиши, марказлашувчи ва барқарорлигига ижобий таъсир этади. Кичик мактаб ёшидаги болаларни ўқитишда кўрсатмалиликдан кенг фойдаланилади. Бу тадбир биринчидан болалар фаоллигини оширсан, иккинчидан материални мантиқий жиҳатдан ўзлаштиришга, уни таҳлил этишга ва умумлаштиришга имкон яратади.

Маълумки, ихтиёрсиз диққат таълим жараёнида ўқувчиларнинг қизиқиши билан бевосита боғлиқ кетса, табиийки, улар фақат мароқли, қувончли ахборот ва матнлар билан танилишга интиладиган бўлиб қоладилар. Натижада ўта нозик, яъни ташки кўзгатувчилар таъсирига берилувчи диққат уларнинг психикасида мустақамланади. Одатлаш мураккаб ўқув материалларини эгаллашда қийинчиликлар туғдиради.

Биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари диққатининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг етарлича барқарор эмаслигидир. Шунинг учун улар диққатларини муайян нарсаларга қарата олмайдилар ва объектда узокрок тута олмайдилар.

Тадқиқотларда биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари дарсда фақат 30 - 35 дақиқа диққат билан ўтириши, ўз диққатини муайян объектга тўплаши ва унда ушлаб туриши мумкинлигини кўрсатади. Шунинг учун машғулотларда қисқа танаффуслар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Профессор Н.Ф.Добринин: «3-4-синф ўқувчилари ўз

диққатларини бутун бир дарс давомида сақлаб тура оладилар. Улар учун ҳам қисқа танаффуслар фойдалидир. Шунингдек, вақти - вақти билан машғулотнинг турини алмаштириб, суръатини ўзгартириб туриш, амалий ва назарий маълумотларни қўшиб олиб бориш лозим», - дейди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар хотирасининг энг муҳим хусусиятларидан бири - сўз мантиқ хотираси ва маъносига тушуниб эслаб қолиш салмоғининг ортишидир. Ўқувчи ўз хотирасини онгли бошқариш, эслаб қолиш, эсга тушириш, эсда сақлаш жараёнида фаолиятнинг мақсади - мувофиқлаштириш имкониятига эга бўлади.

Таълим жараёнида ўқув материалларининг маъно-сини, моҳиятини, турли мулоҳазаларни, далилларни, илмий асосларни эслаб қолиш ва эсга тушириш орқали ўқувчиларда мантиқий хотира такомиллашади. Ақлий меҳнатда мустақилликни вужудга келтирмай билишга интилиш қобилиятини ўстириш мумкин эмас. Шунинг учун болаларга изоҳли ўқиш, масаланинг шартини шарҳлаш, муаммоли вазиятни яратиш ва ҳал қилишни ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Боланинг хаёли теварак - атроф таассуротлари, дунё ажойиботлари, кўрсатмалилик, тасвирий санъат асарларини етарли даражада акс эттириш билан вужудга келади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар тафаккурининг хусусиятларини ўрганган олимлар боланинг тафаккурини қуйидаги уч йўналишда тадқиқ қилганлар: тафаккурнинг ёш даврига хос хусусияти, унинг ривожланиши, тушунчаларни шакллантириш омиллари.

Ўқувчилар учинчи синфга ўтгандан сўнг умумлаштиришда моддий дунёдаги воқеликнинг энг муҳим муносабат ва боғлиқларини акс эттирувчи ички белгиларга таянадилар. Жумладан, сув, ҳаво, металл ва бошқа нарсаларнинг иссиқдан кенгайишини умумий муҳим аломатига асосланиб умумлаштира оладилар.

Ёш авлодни ҳар томонлама етук, ахлоқли, одобли кишилар сифатида камол топтириш муҳим вазифадир.

Адабиётлар

1. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараккиятининг пойдевори. -Т.: «Шарк», 1997.
2. Педагогик атамалар луғати. -Тошкент: «Фан», 2008.

Ушбу мақолада кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш фаолиятида ақл-идроки, сезирлиги, қузатувчанлиги, эсда қолиш, эсга тушириш имкониятларини ривожлантириш учун муҳим шарт - шароитлар ҳақидаги масалалар ёритилган. Бунда асосан болаларда ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш малакаларини шакллантиришда ўқувчининг идрок мақсадга мувофиқ перспектив фаолиятга айланиб ва тобора мураккаблашиб бориши натижасида ўқувчида қузатиш, назорат қилиш, фарқлаш имконияти ошишини инобатга олиш назарда тутилди.

В статье рассматриваются проблемы создания условий для умственного восприятия, чувствительности, наблюдательности, запоминания младших школьников в процессе обучения. Также уделяется внимание на вопросы формирования у школьника таких умений, как чтение, письмо, умение считать которые зависят от уровня его восприятия и которые в будущем переходят в перспективные обязанности.

The article raises the problems of creating conditions for the mental perception, sensitivity, observation, memory of younger schoolchildren in the course of training. The author also paid attention to the formation of students' skills such as reading, writing, counting, which depends on the level of perception and which will become the prospective duties in future.

ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ И ФУНКЦИИ СТРАТЕГИЧЕСКОГО И ФУНКЦИОНАЛЬНОГО МЕНЕДЖМЕНТА ОБРАЗОВАНИЯ

А.М.Магруппов - самостоятельный соискатель

Таянч сўзлар: менежмент, стратегия, истикболни тахмин қилиш, асослаш, таълим сифати, босқариш, тақсимлаш.

Ключевые слова: менеджмент, стратегия, прогнозирование, делегирование, мотивация, качество образования, управление.

Key words: management, strategy, forecasting, delegation, motivation, quality of education, management.

Кардинальные преобразования в политической, социально-экономической сферах, духовное обновление общества, вызвали необходимость коренных реформ системы образования. Государственные приоритеты в области образования открывают путь для обновления его содержания, ценностей и целей. Дальнейшая работа по реализации государственных целей, зафиксированные в Законах Республики Узбекистан «Об образовании» и «Национальная программа по подготовке кадров» [1, 2] предусматривают совершенствование управления системой образования, которое связывается с разработкой механизмов интеграции стратегического и функционального менеджмента, теоретических основ и научно-методическим обеспечением процесса управления, мониторингом его состояния и совершенствованием методов и механизмов прогнозирования развития образования, определяющей миссией руководителя. Стратегический менеджмент (стратегическое управление) распространяется на долгосрочные цели и действия образовательного учреждения. Формулировка стратегии (образа действий) и её чёткий инструментальный являются ядром управления и важным признаком хорошего менеджмента организации. Функциональный менеджмент в образовании нацелен на прогнозирование создания новых систем воспитания и обучения, новых технологий,

повышение качества учебно-воспитательного процесса и личности выпускника учебного заведения, анализ характера и количества педагогических инноваций, анализ факторов эффективности инновационной деятельности, оперативные решения по разработке, внедрению и освоению новшеств; обеспечение качества учебно-воспитательного процесса и его обновление, контроль исполнительской дисциплины и качества исполнения.

В последние годы теория и практика менеджмента в образовании обогатилась описанием сущности организационных подходов к управлению внутри образовательного учреждения, одним из которых является целевым. Его конкретизация ограничивается организующей ролью целеполагания в управлении, не связанной с системным анализом результата во взаимодействии всех обеспечивающих его факторов. Оперативное управление инновационной деятельностью анализирует возможности, ищет и согласует наиболее эффективные пути и средства реализации принятой стратегии развития образовательного учреждения (ОУ). Оно сосредоточено на формировании образовательных, научных, маркетинговых, а также различных обеспечивающих подсистем учреждения. Деятельность инновационного менеджера предусматривает формирование инвестиционного, продуктового тематического и